

## **Омонат (депозит) шартномаси №**

2025 йил \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳри

“Гарант банк” акциядорлик жамияти томонидан \_\_\_\_\_ йилда берилган \_\_\_\_ - сонли ишончномага асосан фаолият кўрсатувчи “Гарант банк” АЖ Амалиёт бошқармаси/ \_\_\_\_\_ БХО номидан банк бошқарувчиси \_\_\_\_\_ келгусида “Банк” деб юритилувчи, бир томонидан ва ўз номидан ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи фуқаро \_\_\_\_\_, келгусида “Омонатчи” деб аталувчи, иккинчи томондан ушбу шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар.

### **1. Шартнома предмети**

1.1. “Омонатчи”дан “Банк” 20606-муддатли депозит туридаги ҳисобварагига АҚШ доллар пул маблағларини қабул қиласи ва ушбу шартноманинг 1.2 - бандида белгиланган шартлар асосида нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда омонатни фоиз даромадлари билан қайтаради.

1.2. Омонат турининг номи “*Antiqa*”, топшираётган маблағ микдори \_\_\_\_\_ АҚШ доллар, сақлаш муддати 40 (қирқ) ой, фоиз ставкаси йиллик 7 (етти) фоиз.

1.3. Омонатларга маблағлар қўйидаги шартлар асосида қабул қилинади:  
- омонатни қабул қилишининг энг кам микдори 10 000 (ўн минг) АҚШ долларини ташкил этади. Омонатга маблағ жойлаштиришнинг юқори чегараси белгиланмаган;  
- омонатчининг дастлабки суммаси устига қўшимча маблағ қабул қилиш ушбу тартибга мувофик 6 (олти) ойгача рухсат этилади;

1.4. Фоизлар ҳар куни мижознинг талаб қилиб олингунча ҳисобрақамига (пластик картага Viza АО “Garant bank” аризага асосан) ўтказилади ва ушбу фоиз маблағларидан тасарруф этиш имкониятига эга бўлади. Омонатга қўйилган пул маблағларини омонат муддати тугагунга қадар қисман ечиб олиш имконияти мавжуд эмас. Омонат муддати тугагунга қадар омонатчи томонидан пул маблағи қайтариб олинганда омонатнинг ҳақиқатда сақланган муддати учун тўланадиган йиллик фоиз ставкаси 7 (етти) фоиз.

1.5. Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинмайди, яъни ҳисобланган фоизларга қўшимча тарзда фоиз ҳисобланмайди.

1.6. Омонат ҳисобварагига пул киритилиш санаси 202\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ куни ҳисобланади, омонатни қайтариш санаси 202\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ куни ҳисобланади. Муддатли омонат тури бўйича қайтариш санасида омонатчи томонидан омонат олинмаган ҳолларда, ушбу омонат талаб қилиб олингунча омонат тури шартлари асосида узайтирилган ҳисобланади. Талаб қилиб олингунча ва жамарма омонат турида омонатни қайтариш санаси омонатчининг хоҳишига кўра ҳисобварагини тўлиқ ёпган сана ҳисобланади.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 382-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган жисмоний шахснинг омонат фоизи даромад тўловларидан 10 фоиз солиқ ундирилиши шарт.

### **2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

2.1.1. “Омонатчи”нинг ҳисобварагидаги пул маблағлари қолдиғи ўзгарганда (кирим ва чиқим амалиётлари бўлганда) омонатчига омонат қолдиғи тўғрисида уяли алоқа

телефонига текин бўлган “СМС-хабар” хизмати орқали хабардор қилиш учун, банк омонатчининг уяли алоқа телефони рақамини, зарурий ҳолларда уй телефон рақамини сўраб олиш ҳуқуқига эга.

2.1.2. “Омонатчи” ёки унинг қонуний вакилларидан ҳисобварақ очиш ҳамда амалиётларни бажаришда шахсини аниқлаш учун шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатилишини талаб этиш ҳамда унинг нусхасини олиш ҳуқуқига эга. Зарурий ҳолларда қонунда кўзда тутилган бошқа қўшимча ҳужжатларни талаб қилишга.

2.1.3. “Банк” “Омонатчи” ёки унинг вакиллари топшириғига биноан банкнинг омонат ҳисобварағида турган пул маблағлари билан банк операциялари бўйича амалга оширилган хизматлар учун тарафларнинг қўшимча келишувига мувофиқ банк Тарифига асосан воситачилик ҳақи ундириш ҳуқуқига эга.

2.1.4. “Омонатчи” ёки қонуний вакиллари томонидан омонат муддати тугагандан сўнг, омонат маблағларини қайтариб беришни талаб этмаган ёки бошқа омонат турига расмийлаштирилмаган ҳолларда, омонат маблағлари суммасига омонат қайтарилган кунга қадар “талаб қилиб олингунча” омонат тури фоиз миқдорида фоизлар ҳисоблаб борилади, агар омонат шартномасида бошқа шартлар белгиланган бўлмаса.

2.1.5. Талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар бўйича 1 йил давомида, жамғарма ва муддатли омонатларнинг муддати тугагандан кейин 1 йил давомида фоизлар ҳисобланишидан ташқари ҳеч қандай амалиётлар амалга оширилмаган омонатлар бўйича “Банк” омонат ҳисобварағи чиқим операциясига таъзиқ қўйиш ҳуқуқига эга.

## 2.2. Банкнинг мажбуриятлари:

2.2.1. Банк “Омонатчи”ни омонат тури, шарт ва қоидалари билан таништиради.

2.2.2. Ушбу шартнома имзоланган куни “Омонатчи”га омонат маблағларини сақлаш учун ҳисобварақ очади ва ушбу ҳисобварақда ҳисобини юритади.

2.2.3. “Омонатчи”га ушбу ҳисобварақ бўйича имзоланган шартноманинг бир нусхасини шунингдек, пул маблағлари қўйилганлиги учун расмийлаштирилган омонат дафтарчани № \_\_\_\_\_ ва тасдиқномани тақдим этади.

2.2.4. Ушбу ҳисобварақ бўйича омонат маблағларига фоизларни ҳисоблаш, ушбу омонат тури қоидасидаги шартлар асосида амалга оширади. Омонат суммасига фоизлар ҳар бир ой ўтганидан кейин омонатчининг талаби билан тўланади, бу муддатда талаб қилиб олинмаганда, фоизлар ёзиладиган омонат суммасига қўшилиб борилади. Омонатга топширилган маблағ қўйилган куннинг ўзида тўлиқ ёки қисман қайтадан берилса, фоизларни ҳисоблашда омонат берилган кун тўлиқ ва қисман қайтарилиган омонат қисми ҳисобга олинмайди.

2.2.5. Банк “Омонатчи”нинг биринчи талабига асосан омонатдаги пул маблағларини тўлиқ ҳажмда фоизлари билан бирга қайтарилишини таъминлайди ҳамда омонатнинг қайтарилиши таъминланганлиги тўғрисида ахборот бериш мажбуриятини олади.

2.2.6. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ омонатни сир сақланишини таъминлайди. Қонун ҳужжатларида маҳсус назарда тутилган ҳоллардагина, омонатга алоқадор маълумотлар учинчи шахсларга Омонатчининг розилигисиз берилиши мумкин.

2.2.7. Агар омонатга қўйилган маблағ бўйича омонат турининг шарт қоидасида назарда тутилган бўлса, “Омонатчи” муддати тугаган, муддатли омонатини айнан шу омонатга қайтадан қўйиш (муддатини узайтириш), яъни омонат суммаси ва унга ҳисобланган фоизлари (агар омонатчи фоизларни талаб қиласдан омонат суммасига қўшмоқчи бўлса) билан бирга қайта расмийлаштириш истагини билдирса, “Банк” ушбу

омонат турига яна шу муддатга ҳисобварап очмасдан ва омонат дафтарча расмийлаштирасдан омонатни қайта расмийлаштиради.

2.2.8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий хужжатларига мувофиқ омонатга фоизлар кунлик ҳисобланаби, бир йил учун 365 кунга ҳисобланади, яъни фоизлар ойлик ҳисобланганда омонатга қўйилган муддат даврида ўша ойлар неча кундан иборат бўлса шунча кунга ҳисобланади.

2.2.9. Омонат суммасига фоизлар омонат маблағи банкка тушган қуннинг эртасидан бошлаб, то у омонатчига қайтарилиган ёки бошқа асосларга кўра омонатчининг ҳисобвараФидан ўчирилган кундан олдинги кунгача бўлган даврга ҳисобланади. “Омонатчи”нинг ҳисобвараФи хатланганлиги оқибатида банк ушбу ҳисобвараФдаги пул маблағларидан фойдалана олмаган давр учун фоизлар ҳисобланмайди ёки ёзилмайди.

2.2.10. “Банк” томонидан омонат маблағларини “Омонатчи”га ёки қонуний вакилига фақатгина, ушбу ҳисобвараФ бўйича берилган омонат дафтарчага мувофиқ, омонат дафтарча йўқолган ҳолларда омонат дафтарча йўқолганлиги тўғрисидаги аризасига мувофиқ, “Омонатчи” ёки қонуний вакили томонидан шахсини тасдиқловчи хужжат кўрсатилганда тўлаб берилади.

### 2.3 Омонатчининг ҳуқуқлари:

2.3.1. Пул маблағларини омонат ҳисобвараФларида сақлаш учун “Банк” томонидан жисмоний шахсларга таклиф этилган омонат турларининг қоидалари билан танишиб чиқиши ҳуқуқига эга.

2.3.2. “Банк”да ҳоҳлаган сонда омонат ҳисобвараФлари очиш ҳуқуқига эга.

2.3.3. “Омонатчи” омонат ҳисобвараФига нақд пул ёки нақд пулсиз шаклларда маблағларини киритиши, ҳисобвараФдан пул маблағларини чиқим қилиб олиши ҳамда аризасига асосан нақд пулсиз шаклда бошқа ҳисобвараФларга ўтказиши мумкин.

2.3.4. “Омонатчи” ҳисобвараФга пул маблағларини киритгандан сўнг, белгиланган тартибида расмийлаштирилган омонат дафтарчани ва тасдиқномани олиш ҳуқуқига эга.

2.3.5. Агар омонатга қўйилган маблағ бўйича омонат турининг шарт қоидасида назарда тутилган бўлса, “Омонатчи” муддати тугаган, муддатли омонатини айнан шу омонатга қайтадан қўйиши (муддатини узайтириш), яъни омонат суммаси ва унга ҳисобланган фоизлари (агар омонатчи фоизларни талаб қиласдан омонат суммасига қўшмоқчи бўлса) билан бирга қайта расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

2.3.6. Омонатга қўйилган маблағларни ўзи ёки қонуний вакили орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тасарруф этиши, шунингдек банкдан омонатлари тўғрисидаги маълумотларни оғзаки, ёзма ва уяли алоқа телефонидан “СМС-хабар” шаклда ёки Интернет орқали [www.Garantbank.uz](http://www.Garantbank.uz) вебсайт орқали олишга хақли.

2.3.7. Омонатнинг сақлаш муддати тугаганда, ушбу шартномада кўрсатилган шартларга мувофиқ, омонат ҳисобвараФдан пул маблағларини унга ҳисобланган фоизлар билан бирга тўлиқ ҳажмда олиш ҳуқуқига эга.

2.3.8. “Омонатчи” банкдан кредит олганда, шартномага тарафларининг қўшимча келишувига асосан омонатга қўйилган маблағлар ва унга ҳисобланган фоизлар ҳисобидан мазкур кредит қарздорликларини қоплаш ҳуқуқига эга.

2.3.9. Омонатни тасарруф этиш учун “Омонатчи” ҳоҳлаган шахсга банк ҳисобвараФидан бир марта ёки бир неча марта пул олиш, омонат бўйича ҳисобланган фоизларни ва омонат суммасини тўлиқ олиш ёки омонатни қайта расмийлаштириш ҳамда бошқа турдаги омонатга ўтказиш амалиётлари учун “Ишончнома” бериши ёки расмийлаштириш ҳуқуқларига эга.

#### 2.4. Омонатчининг мажбуриятлари:

2.4.1. Пул маблағларини омонатда сақлаш учун омонат турларининг шарт-қоидаси билан танишиб чиққандан сўнг, “Омонатчи” омонат бўйича расмийлаштириладиган хужжатларга ўзининг ҳуснихати билан ёзиши ва имзоси билан тасдиқлаши шарт.

2.4.2. Омонат ҳисобварак очиш учун “Банк”ка шахсини тасдиқловчи ҳамда бошқа зарурий хужжатларни тақдим этиш. Омонатчи ёки унинг вакилини шахсини тасдиқловчи хужжатларда ўзгаришлар бўлганда, бу хақда банкни хабардор қиласди.

2.4.3. “Омонатчи” ушбу шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган суммани шартнома имзоланган кундан кечиктирмасдан банк кассасига топшириши ёки ўзининг омонат ҳисобварагига ўтказиб бериши шарт.

2.4.4. “Омонатчи” ёки унинг қонуний вакиллари топшириғига биноан омонат ҳисобварагида турган пул маблағлари билан банк операциялари бўйича амалга оширилган хизматлар учун банк Тарифига асосан воситачилик ҳақини тўлайди. Муддатли омонатларга очилган ҳисобвараклар бўйича бажариладиган амалиётлар бундан мустасно.

2.4.5. Олинган омонат дафтарчани яхши ҳолатда сақлаши, йўқотилган ҳолларда бу ҳақида “Банк”ка ёзма равишда хабар бериши шарт.

2.4.6. Муддатли омонатни сақлаш муддати тугамасдан олиш истаги бўлса, “Банк”ни омонатни олишни мўлжалланаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт.

2.4.7. “Омонатчи” амалдаги қонун хужжатларига тўлиқ риоя этган ҳолда омонат маблағларини шахсан ўзи ёки вакили орқали “Банк”нинг омонат кассаларига топшириши шарт. Омонатчи вакилга омонат бўйича ҳисобварак тўғрисида зарур маълумотларни бериш билан улардан пул маблағларини олишга рози бўлган деб ҳисобланади.

2.4.8. Омонатни қабул қилиш ваколатига эга бўлмаган “Банк”нинг масъул шахсларига омонат бўйича хужжатларни расмийлаштирмасдан пул маблағларини топшириш қатъиян тақиқланади.

2.4.9. “Омонатчи”нинг ҳисобваракдаги пул маблағлари дахлсизлиги таъминлаш мақсадида, “Омонатчи” ҳар чоракда камида бир маротаба банкка келган ҳолда ҳисобваракдаги омонат қолдиғи ва фоизларини омонат дафтарчасидаги қолдиғи билан мос келишини солиштириб туриш мажбуриятини олади.

### 3. Тарафларнинг жавобгарлиги

3.1. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар, шунингдек шартнома шартлари лозим даражада бажарилмаганлиги юзасидан келиб чиқкан заарларни қоплайдилар.

3.2. “Омонатчи” омонатга доир қонун хужжатлари, ушбу шартнома ва омонат тури қоидасига риоя этмасдан ёки қонунбузарликларга йўл қўйиши оқибатида бевосита ўзининг омонат маблағларига етказилган зарар учун “Банк” жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

### 4. Низоларни ҳал қилиш

4.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича юзага келган барча баҳсли ҳолатларни ва келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал этиади.

4.2. Мунозараларни музокара йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаса, низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тегишли суд органлари орқали ҳал этилади.

4.3. Баҳслар ва низолар Банк жойлашган худуддаги ваколатли судлар томонидан кўриб чиқилади.

## **5. Форс мажор ҳолатлари**

5.1. Тарафларнинг бири бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини форс-мажор ҳолатларида, яъни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари вужудга келган ҳамда уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ҳолатларда (пул кредит сиёсатидаги диноминация, ер қимирлаш, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий оғатлар) бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар. Мажбуриятни тўлиқ бажаришдан озод қилиниши учун форс-мажор ҳолатлари асос бўлади.

## **6. Шартномани амал қилиш муддати**

6.1. Мазкур омонат (депозит) шартномаси омонат ҳисобварақга пул маблағлар келиб тушган пайтдан кучга киради ва омонат ҳисобварақ ёпилгунга қадар амал қиласди.

6.2. Шартнома мажбуриятлари омонат суммаси ва белгиланган фоиз даромадлари “Омонатчи”га тўлиқ берилганидан сўнг ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

6.3. Шартнома мажбуриятларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди. Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгариш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиб имзоланиб тасдиқланади ҳамда мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.4. Ушбу шартнома бир хил ҳукуқий кучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб, тарафларга бир нусхадан берилади.

## **7. Махсус шартлар**

7.1. Банк “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ омонат ҳисобварағи бўйича операцияларни тўхтатиб туришга ёки уни бажаришни рад этишга ҳақлидир.

7.2. Омонатларнинг қайтарилиши Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 18 февралдаги ЎРҚ-1031-сон “Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида” Қонунининг 26-моддасига кўра, бир банкда бир омонатчига тўланадиган компенсация кафолатлаш обьекти қолдигининг икки юз миллион сўм ёки ундан кам бўлса тўлиқ ҳажмини, агар кафолатлаш обьектининг қолдиги икки юз миллион сўмдан кўп бўлса фақат икки юз миллион сўмни ташкил этади.

7.3. Омонат муддати тугагандан кейин ушбу ҳисобварақ бўйича 1 (бир) йил давомида ҳеч қандай амалиёт амалга оширилмаса, ундаги маблағлар 842 - тартиб рақамли “20206 - Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари” ҳисобварағида очиладиган мос шахсий ҳисобварақка ўтказилади.

## **8. Тарафларнинг манзили ва реквизитлари**

**“Банк”**

“Гарант банк” АЖ Амалиёт бошқармаси

Манзил: 100060, Тошкент шаҳар,

**“Омонатчи”**

Омонатчи

Ф.И.О.

Туғилган санаси: \_\_\_\_\_

Миробод тумани, С. Барака кўчаси 78.

МФО 00439 СТИР 201053901

х/в

Тел: (71) 255-82-21

Амалиёт бошқармаси/  
бошқарувчиси Ф.И.О

Филиал Омонат шартномаси шартлари ва банк  
Тарифи билан танишдим

Имзо \_\_\_\_\_

Имзо \_\_\_\_\_

Юрист Ф.И.О \_\_\_\_\_

Имзо \_\_\_\_\_

Тел: \_\_\_\_\_

Яшаш манзили: \_\_\_\_\_

Паспорт: \_\_\_\_\_

Берилган санаси: \_\_\_\_\_

Ким томонидан берилган: